

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАКАЕВА КЕНЖАГУЛ ДАВЛЕТБОЕВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА АЛГЕБРАНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШ
ОРҚАЛИ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Математика” таълими йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Джакаева Кенжагул Давлетбоевна

Академик лицейларда алгебрани самарали ўқитиш орқали иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (“Математика” таълими йўналиши мисолида).....

5

Джакаева Кенжагул Давлетбоевна

Совершенствование методики развития одарённых учеников путём эффективного обучения алгебре в академических лицеях (на примере направления образования “Математика”)

25

Djakaeva Kenjagul Davletboevna

Improving the methodology for training gifted pupils through effective teaching of algebra in academic lyceums (on the example of “Mathematics” teaching)

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАҚАЕВА КЕНЖАГУЛ ДАВЛЕТБОЕВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА АЛГЕБРАНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШ
ОРҚАЛИ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Математика” таълими йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped608 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожиёв Мамаражаб
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори, доцент

Акмалов Аббос Акрамович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
В.И.Романовский номидаги Математика институти


Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 01 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.


Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 01 куни тарқатилди.
(2021 йил «14» 01 даги 12 рақамли реестр баённомаси).




Б.П.Отемуратов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., доцент


З.К.Курбаниязова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, п.ф.н., доцент


Э.Н.Рўзиёв
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ривожлантириш, аниқ-табиий фанларни ўқитишнинг интегратив моделларини таълим амалиётига кенг жорий этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш орқали иқтидорлиликни ривожлантириш, ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини таркиб топтириш, мантиқий тафаккур юритиш малакаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан Америка (Thomas Jefferson High School for Science and Technology), Австралия (Мельбурннинг Monash College), Буюк Британия (Bellerbys College), Германия (Berlin Bilingual School) ва Россия (физика-математика мактаблари) каби ривожланган давлатларда ихтисослаштирилган таълим жараёнини самарали ташкил этиш, иқтидорли ўқувчиларни мақсадли касбга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш, алгебрани самарали ўқитиш жараёнида индивидуал психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, алгебрани самарали ўқитиш орқали ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожлантириш, ўқитишнинг мазмуни, шакли ва услублари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнининг мослашувчанлиги ва вариативлигини таъминлаш, ижодий ва муаммоли топшириқлар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик компетенциясини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, глобал таълим шароитида ўқувчилар математик саводхонлигини оширишнинг продуктив шакли ва методларини ишлаб чиқиш, алгебрани ўқитишда фанлараро алоқадорликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, математик таълимни гуманитаризациялаш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятини узлуксиз ривожлантириш, математика соҳасидаги таълим сифатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, академик лицейларда алгебра фанини самарали ўқитиш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш”¹ каби вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ҳамда алгебрага мойиллигига қараб уларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш, “Алгебра ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда; 20-сон, 254-модда; 23-сон, 448-модда.

математик анализ асослари” фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сон, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сон, 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4306-сон, 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий ишлар олиб борилган. Математика таълими соҳаси бўйича ўқув фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича А.Абдуқодиров, Г.Злоцкий, Ж.Икромов, Т.Тўлаганов, М. Тожиев, Д.Юнусовалар, математика фанларини ўқитишнинг методик ва амалий жиҳатлари бўйича Б.Абдуллаева, С.Алихонов, А.Ахлимирзаев, М.Баракаев, Н.Тайлоқовлар, математика соҳасида эришилган ютуқларнинг амалиётга татбиқи бўйича И.Алламбергенов, А.Акмалов, Г.Изетаева, Д.Турдибоев, Э.Шариповлар илмий изланишларни амалга оширишган. Алгебра ва математик анализ асосларини ўқитишга оид қатор ўқув адабиётлари Ш.Алимов, А.Абдуҳамидов, Э.Балаян, С.Конягин, Э.Сайдаматов, М.Сканави, Б.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан яратилган. Ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш ва ўқувчилар фаоллигини оширишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш масалалари Н.Азизхўжаева, Н.Авлиякулов, Л.Голиш, Б.Зиёмухаммадов, Ў.Толипов кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Б.П. Беспалько, В.Ф.Габдулхақов, М.Б.Лебедова, Е.У.Медеуов, В.И.Мишин, В.М. Монахов, А.Г.Мордкович, А.В.Петровский, П.И.Пидкасистий, Г.И.Россолимони, Г.И.Саранцев, В.Д.Шадрикова, В.М.Экземплярский, П.М.Эрдниевлар ўқитиш технологияси ва математик таълим самарадорлигини оширишнинг методик шарт-шароитларини ёритиб берган.

Хорижлик олимлардан B.S.Bloom, C.W.Cobb, G.Pimbley, K.A.Heller кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ошириш, алгебрани ўқитиш жараёнини самарали ташкил этишга доир инновацион ёндашувлар очиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Олий таълим муассасаларида математикани ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейларда алгебрани самарали ўқитиш орқали иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик лицейларда алгебра курсини ўқитишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш орқали иқтидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш тузилмасини аниқлаштириш;

“Алгебра ва математик анализ асослари” фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш мазмунини ёритиб бериш;

алгебрани самарали ўқитишда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш;

академик лицейларда алгебра курсини ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни математик олимпиадаларга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик лицейларда алгебрани самарали ўқитиш орқали иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти академик лицейларининг 998 нафар респондент-ўқувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети – академик лицейларда алгебрани самарали ўқитиш орқали иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, анкета сўровномалари, савол-жавоб, суҳбат, тест, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, тажриба-синов, математик-статистик анализ, натижаларни умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алгебрани ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш тузилмаси ижодий фаоллик, билишга интилиш, мустақиллик, қарор қабул қилиш, аниқ мақсадга йўналганлик, муаммони кўра олиш, альтернатив (муқобил) ва дивергент фикрлаш кўникмаларининг когнитив компетенция билан фаол интеграциялашув даражаси барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

“Алгебра ва математик анализ асослари” фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг методик тизими фанлараро ички интеграциянинг вертикал ва горизонтал муносабатлар доирасини иқтидорли ўқувчилар билан

ишлашнинг “бендинг” (banding – тасмаларга ажратиш), “стриминг” (streaming – потокларга ажратиш), “сеттинг” (setting – соҳа, гуруҳларга ажратиш) шакллари билан қайта алоқага киришишини мақбул белгилаш орқали такомиллаштирилган;

алгебрани самарали ўқитишда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш алгоритми (лойиҳаси, босқичлари) модулли таълимнинг кичик гуруҳларда, командада ишлаш, диалогли, графикли моделларининг кооператив ўқитиш техникалари билан уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган вертикал ва горизонтал структуралаш тартибини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

академик лицейларда алгебра курсини ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни математика олимпиадаларига тайёрлаш методикаси анъанавий (тенглама ва тенгсизликларни ечиш) ва ноанъанавий (когнитив компетентликка йўналтирилган масалалар) усулларнинг координацион ёндашув билан адаптив вариантларда интенсив қўлланилишини бевосита ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда алгебра фанини ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

“Алгебра ва математик анализ асослари” фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

алгебрани самарали ўқитишда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Математикалық анализ (I, II бөлим)” ҳамда “Алгебра ҳам анализ басламалари” номли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, қўлланган усуллар, реал педагогик амалиёт, педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти академик лицейларда алгебра курсини ўқитишнинг айрим жиҳатларига илмий томондан аниқликлар киритилганлиги, интерфаол методлар, алгебра курсини лойиҳалаштириб ўқитиш тажрибасидан фойдаланиб академик лицейларда алгебра курсини самарали ўқитиш методикаси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар, алгебра фани бўйича маъруза ва амалий ўқув машғулоти лойиҳалари, алгебра фанини ўқитиш бўйича педагогик тажриба-синов натижаларидан академик лицейларда алгебра фанини ўқитиш сифатини ошириш, илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантиришда, шунингдек, академик

лицей педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналишида алгебра фанини янги педагогик технология бўйича ўқитишнинг илмий услубий асосларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

алгебрани ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш тузилмасини аниқлаштириш, ижодий фаоллик, билишга интилиш, мустақиллик, қарор қабул қилиш, аниқ мақсадга йўналганлик, муаммони кўра олиш, альтернатив ва дивергент фикрлаш кўникмаларининг когнитив компетенция билан фаол интеграциялашув даражаси барқарорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан академик лицейлар учун “Математикалық анализ (I, II бөлим)” ўқув кўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 мартдаги 89-03-1078-сон маълумотномаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи). Натижада, академик лицейларда математик анализ асослари фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

“Алгебра ва математик анализ асослари” фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг методик тизими, алгебрани самарали ўқитишда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш алгоритми, модулли таълимнинг кичик гуруҳларда, командада ишлаш, диалогли, графикли моделларининг кооператив ўқитиш техникалари билан уйғунлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан академик лицейлар учун “Алгебра ҳам анализ басламалари” ўқув кўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 мартдаги 89-03-1078-сон маълумотномаси). Натижада, бу академик лицейларда алгебрани касбий соҳага йўналтириб ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

академик лицейларда алгебра курсини ўқитиш жараёнида иқтидорли ўқувчиларни математик олимпиадаларга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш, анъанавий ва ноанъанавий усулларнинг координацион ёндашув билан адаптив вариантларда интенсив кўлланилишини бевосита ҳисобга олишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ИТД-1-45 “Педагогик технологиянинг миллий модели асосида ўқув машғулоти лойиҳасини тузиш ва амалиётда кўллаш” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 мартдаги 89-03-1078 - сон маълумотномаси). Натижада, бу иқтидорли ўқувчиларнинг математика бўйича халқаро олимпиадалардаги иштироки самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда алгебра бўлимини самарали ўқитишнинг шарт-шароитлари”** деб номланган биринчи бобида академик лицейларда математика фанини ўқитишнинг ҳолати таҳлил этилган ҳамда ушбу таҳлиллар асосида алгебра курсини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари умумлаштирилган, алгебра курсини йўналишларга боғлаб ўқитишнинг айрим жиҳатларига аниқликлар киритилган, академик лицейларда иқтидорли ўқувчиларни излаш ва саралаш ҳамда алгебрага мойиллигига қараб уларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш йўллари ишлаб чиқилган.

Академик лицейларда ўқитиладиган алгебра курсининг ҳолати таҳлил этилган бўлиб, унга кўра академик лицейларда иқтидорли ўқувчиларни излаш, саралаш ҳамда уларни алгебрага мойиллигига қараб мақсадли тайёрлашни ташкил этишда, таълимнинг замонавий усул, услуб ва технологиялари асосида алгебрани йўналишларга боғлаб ўқитишда, ўқувчилар учун мураккаб бўлган мавзуларни осон йўллар билан ўқитиш ва, шу асосида, иқтидорли ўқувчиларни математика олимпиадаларига тайёрлашда, айниқса, интерфаол методлардан фойдаланиб алгебра курсини лойиҳалаштириб ўқитиш масалаларида айрим камчиликлар мавжуд эканлигига аниқликлар киритилган ва уларни такомиллаштириш тўғрисида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Натижада, академик лицейларда алгебрани ўқитишни самарали ташкил этиш орқали иқтидорли ўқувчиларни излаш, саралаш ҳамда алгебрага мойиллигига қараб уларни мақсадли тайёрлаш йўллари такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган фан соҳасига оид муайян билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг математика бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларига иштирокини таъминлаш ҳамда олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари юқори бўлишига эришиш куннинг талаби деган хулосага келинди.

“Алгебра ва математик анализ асослари” фанини йўналишларга боғлаб ўқитишнинг айрим жиҳатларига аниқликлар киритилган ва, шу асосида, алгебра курсини самарали ўқитишда таълимнинг замонавий усул, услуб ва технологияларининг ўрни кўрсатиб берилган.

Академик лицейларда, асосан, фанлараро боғлиқлик, яъни бир фаннинг иккинчиси билан доимий алоқада бўлиши талаб этилади. Бир фандаги кўникма ва малакалар иккинчи фанда мукаммаллаштирилиб, тўлдирилиб ўргатилиши зарур. Ҳар қандай фанда кетма-кетлик сақланмаса, яъни олинган билимлар дастлабки билимларни тўлдирмаса, фанлар билан ўзаро узвий боғлиқлик бўлмаса, у ўқувчида муайян бир тушунча ҳосил қилинмайди ва ўқитишнинг самарадорлиги пасаяди. Қатор йиллар давомида математика умумтаълим фани сифатида академик лицей ва касб-ҳунар таълимининг барча йўналишларида деярли бир хил дастурга асосланиб келинган, ўқув режа бўйича академик лицейларда унга 180 соат, касб-ҳунар коллежларида 190 соат ажратилган ва бир хил мавзулар ўтилган. Шу билан бирга ҳар бир гуруҳда 30–35 ўқувчи бўлиб, улар кичик гуруҳларга бўлинмас эди.

2017–2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейлар икки йиллик таълимга ўзгартирилди, ҳар бир гуруҳнинг 26 нафар ўқувчидан иборат бўлиши белгиланди. Бу гуруҳлар ўз йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган фанлардан кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтила бошланди. Бугунги кунда ҳар томонлама етук, дунёқараши кенг, комил инсонларни тарбиялаш таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири. Шундай экан, академик лицейларда ўқувчилардан нафақат ўз йўналиши бўйича, балки умумтаълим фанлари бўйича ҳам чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади. Шундай қилиб, алгебра курсини йўналишларга боғлаб ўқитиш, замонавий усул, услуб ва технологиялар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш ўқувчилар фаоллигининг ошишига, математик тафаккурининг ўсишига, мустақил фикрлашига ҳамда математика фанига қизиқишининг кучайишига олиб келди.


Академик лицейларда иқтидорли ўқувчиларнинг алгебрага қизиқишига қараб уларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш масалалари такомиллаштирилган. Ҳақиқатан ҳам, академик лицейларнинг асосий вазифаларидан бири жамият ва фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган иқтидорли ўқувчи ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим даражасини ошириш, уларга фан асосларини чуқур ва мустаҳкам ўргатишдан иборат. Шу ўринда иқтидор, истеъдод ва иқтидорли ўқувчи тушунчаларига таъриф бериб ўтилган.

Академик лицейларда иқтидорли ўқувчиларни излаш, саралаш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишдан мақсад ўз билими, дунёқараши, қизиқиши, имконияти ва ўқув фанига мойиллиги билан мутлақ фарқ қиладиган янги авлод (миллий элита) ёшларини шакллантиришдан иборат (1-расм). Шундан келиб чиқиб иқтидорли ёшларни излаш, саралаш ва энг иқтидорли ўқувчи мақомини белгилаш мезонлари ишлаб чиқилган. Иқтидорли ўқувчилар ўқув-методик ва илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш масалалари такомиллаштирилган, яъни алгебрани ўқитиш жараёнида ўқувчилар илмий

ижодий фаолиятини ривожлантириш учун қўйидаги тамойилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан:

алоҳида ишчи ўқув режа ва дастурини тузиш ҳамда уни амалга ошириш;



1-расм. Иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш модели

ўқувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра алгебранинг баъзи мураккаб мавзуларини ўқитишда индивидуаллаштириш;

ўқувчининг ижодкорлик сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик)ни ривожлантиришга йўналтирилган билимларни бериш;

ўқувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, масалан: математикадан яхши ўқийдиган ўқувчилар параметрга эга квадрат тенгламалар учун, тенглама параметрнинг қандай қийматларида ҳар хил иккита илдизга ва бир хил иккита илдизга эга бўлишини ҳамда параметрнинг қандай қийматларида илдизга эга бўлмаслигини аниқлай оладилар. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозим, айрим ўқитувчилар бундай саволни қуйидагича тушунтиради: агар параметрнинг баъзи бир қийматларида квадрат тенгламанинг дискриминанти нолдан катта бўлса, бу квадрат тенглама параметрнинг бундай қийматларида иккита ҳақиқий илдизларга эга бўлади, дискриминант нолга тенг бўлса, тенглама битта илдизга эга бўлади, нолдан кичик бўлса, тенглама параметрнинг бундай қийматларида ҳақиқий илдизга эга бўлмайди. Бундай тушунтиришдан сўнг ўқувчиларга Виет теоремаси бу ҳолатда қандай ўринланади, деб савол берсангиз, дискриминанти нолга тенг бўлган ҳолатда Виет теоремаси ўринланмайди деган жавобларни ҳам эшитамиз.

Қуйида келтирилган квадрат тенглама учун:

$$x^2 + px + q = 0 \quad (1)$$

а) $D = p^2 - 4q > 0$ бўлса, тенглама ҳар хил ҳақиқий иккита илдизга эга бўлади;

б) $D = p^2 - 4q = 0$ бўлса, тенглама бир хил иккита ҳақиқий илдизга эга бўлади;

в) $D = p^2 - 4q < 0$ бўлса, тенглама ҳақиқий илдизларга эга бўлмайди, деб тушунтирган мақул. Кўпчилик ўқувчилар тенгламаларни ўрганиш пайтида қийналадиган квадрат тенгламанинг илдизлари ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтамиз:

1.	$q < 0$	(1) тенглама қарама-қарши иккита ҳақиқий илдизга эга бўлади
2.	$D = p^2 - 4q > 0, q > 0$	тенглама ишоралари бир хил иккита ҳақиқий илдизга эга
3.	$q = 0$	тенгламанинг битта илдизи нолга тенг бўлади
4.	$p = 0, q < 0$	тенгламанинг илдизлари қарама-қарши сонлар бўлади
5.	$D > 0, p < 0, q > 0$	тенглама ҳар хил иккита ҳақиқий мусбат илдизга эга бўлади
6.	$D \geq 0, p < 0, q > 0$	тенглама иккита ҳақиқий мусбат илдизга эга бўлади (илдизлар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин)
7.	$D = 0, p < 0, q > 0$	тенглама бир хил иккита ҳақиқий мусбат илдизга эга бўлади
8.	$D > 0, p > 0, q > 0$	тенглама ҳар хил иккита ҳақиқий манфий илдизга эга бўлади
9.	$D \geq 0, p > 0, q > 0$	тенглама иккита ҳақиқий манфий илдизга эга бўлади (илдизлар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин)
10.	$D = 0, p > 0, q > 0$	тенглама бир хил иккита ҳақиқий манфий илдизга эга бўлади

Квадрат тенгламанинг илдизларини кенг маънода ўрганиш мақсадида ўқувчилар учун муҳимроқ бўлган масалага ўтамиз. Бу масалада параметрга эга квадрат тенглама илдизларининг параметрга боғлиқ жойлашиш тартибини кўриб чиқамиз.


Дейлик, x_1 ва x_2 лар (1) тенгламанинг илдизлари бўлиб, λ бирор берилган ҳақиқий сон бўлсин.

1) $\lambda < x_1$, $\lambda < x_2$, яъни тенгламанинг ҳар хил иккита илдизи λ сонидан катта бўлиши учун

$$\begin{cases} D > 0, \\ -\frac{p}{2} > \lambda, \\ \lambda^2 + p\lambda + q > 0 \end{cases}$$

тенгсизликлар системаси ўринли бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, бу тенгсизликларнинг биринчиси, яъни $D > 0$ шarti тенгламанинг иккита илдизга эга бўлишини, иккинчи $-\frac{p}{2} > \lambda$ шarti геометрик жиҳатдан $f(x) = x^2 + px + q$ парабола учининг абциссаси λ сонининг мусбат томонида жойлашишни, яъни иккита илдиздан каттасининг λ сонидан катта бўлишини ва учинчи $\lambda^2 + p\lambda + q > 0$ шarti эса геометрик жиҳатдан $f(x) = x^2 + px + q$ параболанинг $x = \lambda$ нуктадаги қиймати мусбат бўлишини, яъни иккита илдиздан кичигининг λ сонидан катта бўлишини таъминлайди.



Буларни ўқитувчи ўқувчиларга юқоридаги чизмада кўрсатилгандай, лекин $f(x) = x^2 + px + q$ параболани эгилган симдан фойдаланиб (симни x_1 ва x_2 нукталардан ўтадиган ҳолатда қўйиб, кейинчалик симни ўнг ва чап томонларга силжитиш орқали) тушунтириши мумкин.

Мисол 1. $x^2 + (p+2)x + p+10 = 0$ тенгламанинг иккита ҳар хил илдизи бирдан катта бўладиган p параметрининг қийматлар тўпламини топинг.

Ечиш. Юқоридаги система бу ҳолатда

$$\begin{cases} D = (p+2)^2 - 4(p+10) > 0, \\ 1 < -\frac{p+2}{2}, \\ f(1) = 1 + p + 2 + p + 10 > 0 \end{cases}$$

кўринишга эга бўлиб, бу системанинг ечими $-6,5 < p < -6$ бўлади. Демак, $p \in (-6,5; -6)$ учун қаралаётган тенгламанинг иккита илдизи ҳам бирдан катта бўлади. Агар $p = -6,5$ бўлса, у ҳолда кичик илдиз бирга тенг бўлиб қолади, агар $p = -6$ деб олсак, у ҳолда $D = 0$ бўлиб иккита илдиз ҳам бирдан катта ва иккаласи бир-бирига тенг бўлиб қолади.

2) $x_1 < \lambda$, $x_2 < \lambda$ бўлиши учун

$$\begin{cases} D > 0, \\ -\frac{p}{2} < \lambda, \\ \lambda^2 + p\lambda + q > 0 \end{cases}$$

тенгсизликлар системасининг ўринли бўлиши кераклиги олдингисига ўхшаб тушунтирилади. Бу эса ўқувчиларда илмий-ижодий фаолиятни ривожлантиришга туртки бўлади.

Мазкур бобда иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг раҳбарларини рағбатлантириш, тақдирлаш масалалари юзасидан ҳам таклифлар берилган.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда алгебрани самарали ўқитишни ташкил қилиш асосида иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида академик лицейларда алгебра курсини ўқитишдаги айрим жиҳатлар такомиллаштирилган, шунга асосланиб мураккаб масалаларни осон йўллар билан ечиш усуллари орқали иқтидорли ўқувчиларни математика олимпиадаларига тайёрлаш методикаси ишлаб чиқилган, шунингдек, интерфаол методларни қўллаган ҳолда алгебра курсини лойиҳалаштириб ўқитиш тажрибасидан фойдаланиб, академик лицейларда алгебра курсини самарали ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Академик лицейларда “Алгебра ва математик анализ асослари” фанини ўқитишнинг айрим жиҳатларига аниқликлар киритилган. Алгебрани ўқитишнинг асосий жиҳатлари сифатида “Алгебра ва математик анализ асослари” фани учун ажратилган соатлар миқдори, шундан алгебра курсига ажратилган соатлар ва уларга мос мавзулар, уларнинг қийинчилик даражалари ҳамда бу мавзуларнинг иқтидорли ўқувчиларни шакллантиришдаги ўрнини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Академик лицейларда аниқ фанлар йўналишида “Алгебра ва математик анализ асослари” фани чуқурлаштирилган фан ҳисобланади. 2018 йилги ўқув дастурида унга жами 506 соат ажратилган бўлиб, шундан алгебрага 368 соат, математик анализга эса 138 соат ажратилган. 368 соатга мўлжалланган алгебрада назарий дарс учун 92 соат, амалий машғулот учун 180 соат ва мустақил иш учун 96 соат режалаштирилган бўлиб, еттита бўлимни қамраб олган. Ушбу бўлимларнинг ҳар бири таҳлил этилган ва иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий кўникмаларини ривожлантиришдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Алгебрани ўқитишнинг асосий жиҳатларидан яна бири ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологиянинг тўғри жорий қилиниши ва унинг тамойиллари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришдан иборат бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатиши талаб этилади. Бу эса ўқувчига катта масъулият юклайди ва ундан кўпроқ мустақиллик, ижод ва эркин фикрлашни талаб қилади.

Кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, олдиндан қўйилган мақсад, шакл, метод ва воситага, янги инновацион педагогик технологияга боғлиқ. Бунинг учун ўқитувчи ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаш, яъни ўқув фанининг ўзига хос томонини, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжи ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундан келиб чиқиб алгебра курсини ўқитишнинг технологик харитаси ҳамда, шу асосида, ўқув машғулотлари лойиҳалари ишлаб чиқилган. “Чизиқли, квадрат ва квадрат тенгламаларга келтириладиган тенгламалар” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва, шу асосида, ўқитиш методикаси берилган (2-расм).

Интерфаол методлардан фойдаланиб алгебра курсини ўқитиш амалиёти ва унинг иқтидорли ўқувчиларни шакллантиришдаги ўрни кўрсатиб берилган. Ўз касбининг назарий асосларини чуқур эгаллаши баробарида замонавий ўқитувчида педагогик фаолият жараёнида инновацион таълим технологиялари ва интерфаол методларни қўллаб дарс ўтиш кўникмаси шаклланган бўлиши ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда унумли фойдалана олиш малакалари ривожланган ва шаклланган бўлиши талаб этилади. Чунки алгебра курсидан дарс жараёнини инновацион таълим технологиялари ва интерфаол методлар асосида ташкил этишда ўқувчиларда:

машғулот жараёнида мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга интилиш учун етарли шарт-шароитлар яратилади;

ўрганилаётган янги билимларни онгли равишда эгаллашни таъминлайди ва ўрганилаётган фанга бўлган қизиқиш шаклланиб боради;

онгли равишда касб-хунарга бўлган интилишни рағбатлантиради;

шунингдек, ўқувчиларда ўқув материални ўзлаштиришга бўлган қизиқиш уйғонади;

дарс жараёнини ташкил этишда таълим оловчилар мустақиллиги ва ташаббускорлигига таяниш имкониятлари ошади;


ўқувчилар томонидан ўз-ўзини бошқаришга кенг йўл очилади;

ҳар бир ўқувчининг яхши хислатларини излаш ва уларни ривожлантиришга ёрдам беради;

ҳар бир ўқувчининг фикрига эътибор билан қараш, унга ишониш, натижада ҳамкорликда ишлаш имкониятларини оширади;

ўқувчининг ҳар бир ютуғини қўллаб-қувватлаш ва янада чуқурроқ билимлар эгаллашга бўлган интилишини ўз вақтида рағбатлантириб боради ва

х.3.



2-расм. Алгебра бўлимини ўқитишнинг методик тизими модели

Демак, интерфаол методлардан фойдаланиб алгебра курсидан дарсларни самарали ташкил этиш ўқувчиларни кўпроқ эркин фикрлаш ва мустақил ўрганишга ундайди. Шундан келиб чиқиб, интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда битта дарснинг ишланмаси берилган.

Мисол сифатида “Тригонометрия” бўлимини такрорлаш ва олинган билимларни мустаҳкамлаш дарсини мусобақа тарзида ташкил қилиш амалиёти ишлаб чиқилган.

Мураккаб масалаларни осон йўллар билан ечиш усуллари ишлаб чиқилган. Мисол учун мураккаб бўлган тригонометрик тенгсизликларнинг ечимини концентрик айланалар ёрдамида умумлаштириш усули келтирилган.

Маيلي

$$\Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) > 0, \quad \Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) < 0 \quad (1)$$

кўринишидаги тригонометрик тенгсизликларни қарайлик, бу ерда a, b, c ва d лар ўзгармас сонлар, Φ эса қавс ичидаги функцияларнинг кўпайтмаси ёки нисбатларининг қандайдир функцияси.

(1) даги тенгсизлик белгисининг қандай бўлишидан қатъи назар Φ функциясидаги $\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx$ ва $\operatorname{ctg} dx$ ларнинг ишоралари сақланадиган ёйлар концентрик айланаларда алоҳида кўрсатилади ва тенгсизликнинг берилишига қараб

$$\Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) = \sin ax \cdot \cos bx \cdot \operatorname{tg} cx < 0$$

тенгсизлиги учун керакли бўлган ишораларнинг биттаси ёки учтасининг манфий бўлган кўринишлари,


$$\Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) = \sin ax \cdot \cos bx \cdot \operatorname{tg} cx > 0$$

тенгсизлиги учун керакли бўлган ишораларининг биттаси ёки учтасининг мусбат бўлган кўринишларидан фойдаланилади. Концентрик айланаларда бир хил бурчакка мос учтаси ҳам манфий ишорага эга ёйлар, шу билан бирга биттаси манфий ва иккитаси мусбат ишорага эга ёйлар ажратиб олинади ва ажратиб олинган ёйлар умумий қисмининг математик ифодаси ёзилади.

Мисол учун,

$$\sin 3x \cdot \cos 2x \cdot \operatorname{tg} x < 0 \quad (2)$$

тенгсизлигига қарайдиган бўлсак, у ҳолда биз фойдаланадиган концентрик айланалар 3-расмдагидек кўринишга эга бўлади.



3-расм. Концентрик айланаларда $\sin 3x > 0$, $\cos 2x > 0$
ва $\operatorname{tg} x > 0$ бўладиган соҳалар қора рангда берилган

Бу ерда қора рангдаги ёйлар (2) тенгсизликда қатнашувчи функцияларнинг мусбат бўладиган ва рангсиз ёйлар манфий бўладиган соҳалари. Бизга керакли ёйлар бир хил бурчакка мос учтаси ҳам рангсиз ёки биттаси рангсиз қолган иккитаси рангли ёйлар бўлиб, бу ёйлар умумий қисмининг математик ифодаси қуйидагича бўлади:

$$\left(-\frac{\pi}{3} + 2\pi k; -\frac{\pi}{4} + 2\pi k\right) \cup \left(\frac{\pi}{4} + 2\pi k; \frac{\pi}{3} + 2\pi k\right) \cup \left(\frac{\pi}{2} + 2\pi k; \frac{2\pi}{3} + 2\pi k\right) \cup \\ \cup \left(\frac{3\pi}{4} + 2\pi k; \pi + 2\pi k\right) \cup \left(\pi + 2\pi k; \frac{5\pi}{4} + 2\pi k\right) \cup \left(\frac{4\pi}{3} + 2\pi k; \frac{3\pi}{2} + 2\pi k\right).$$

Ушбу мисолга ўхшаш

$$\Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) = \sin ax \cdot \cos bx \cdot \operatorname{tg} cx > 0$$


тенгсизликни ечадиган бўлсак, бошқа концентрик айланалардан фойдаланиш шарт бўлмай қолади. Бу тенгсизликнинг ечими биттаси ёки учтаси мусбат ишораларга мос ёйлар умумий қисмининг математик ифодаси бўлади.

Келинг, кейинги мисол сифатида

$$\Phi(\sin ax, \cos bx, \operatorname{tg} cx, \operatorname{ctg} dx) = \frac{\sin 2x \cdot \operatorname{tg} x}{\cos 3x \cdot \operatorname{ctg} 4x} > 0 \quad (3)$$

тенгсизликнинг $(0; \pi)$ кесмадаги ечимини топиш масаласига қарайлик.

Олдинги мисолга ўхшаш тенгсизликдаги $\sin 2x$, $\cos 3x$, $\operatorname{tg} x$ ва $\operatorname{ctg} 4x$ функцияларнинг, айтايлик, мусбат бўладиган соҳаларини аниқлаймиз ва бу соҳаларни концентрик тўртта айланада қора рангда кўрсатамиз (4-расм).



4-расм. Концентрик ярим айланаларда $\sin 2x > 0$, $\cos 3x > 0$, $\operatorname{tg} x > 0$ ва $\operatorname{ctg} 4x > 0$ бўладиган соҳалар қора рангда берилган

Бизга керакли ёйлар ярим концентрик айланалардаги тўртаси ҳам бир хил рангда ёки иккитаси бир хил рангда бўлган бир хил бурчакка мос ёйлар бўлиб, бу ёйлар умумий қисмининг математик ифодаси

$$\left(0; \frac{\pi}{8}\right) \cup \left(\frac{\pi}{6}; \frac{\pi}{4}\right) \cup \left(\frac{3\pi}{8}; \frac{\pi}{2}\right) \cup \left(\frac{\pi}{2}; \frac{5\pi}{8}\right) \cup \left(\frac{3\pi}{4}; \frac{5\pi}{6}\right) \cup \left(\frac{7\pi}{8}; \pi\right)$$

бўлади ва бу ифода биз излаётган ечимни беради.

Алгебрадан мураккаб бўлган мавзуларни осон йўллар билан ўқитиш ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган, етук қилиб тарбиялашда алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Таҳлилий мулоҳаза, фазовий тасаввур, мавҳум тафаккур инсон фаолиятининг барча соҳаси учун зарур қобилиятки, булар математикани ўрганиш жараёнида шаклланиб, чуқурлашади.

